

УДК 619.2.618.

О.У.Қўлдошев, М.Т.Исаев,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

СИГИРЛАРДАН БУЗОҚ ОЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация

В статье приводятся информация и рекомендации руководителям фермерских хозяйств и специалистам по животноводству по устранению факторов вызывающих акушерство-гинекологические заболевания и по увеличению выхода телят от коров.

Summary

Some recommendations and information are given to the farmers and specialists in the article who breed cattle about preventive measures of factors that cause obstetric-gynecological diseases in female animals and how to increase calf breeding of cows.

Калит сўзлар: бўғозлик, ҳамила, трихомоноз, вибриоз, пода, қисир қолиш, оталаниш, куйга келиш, ветеринария-санитария, гинекология.

Чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартлари сигирлардан унумли фойдаланиш, қисирликни олдини олиш, қисир қолишга йўл қўймаслик, уруғланиш миқдори ва сифатини ошириш, оталанишни кўпайтириш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга қўйишдан иборатдир. Озиқлантиришни яхшилаш билан бир каторда ҳўжаликлардаги чорвачилик ишларини юритишни такомиллаштириш, шунингдек илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланиш эвазига мол туғгани бирмунча кўпайтириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Статистик маълумотларга кўра подани қайта тўлдириш талабга тўла жавоб бермаяпти. Бу фермер ҳўжаликлари ва туманлардаги чорва мутахассисларининг ишни яхши ташкил этмаётганидан далолат беради. Шу билан бирга подани қайта тўлдиришни муваффақиятли амалга ошириш учун пуштсизлик ва қисир қолишга йўл қўймаслик зарур.

Аслида бундай ҳолат ҳайвонларни сифатсиз ёки тўйимлилиги паст бўлган озуқа билан озиқлантириш, ёмон парвариш қилиш, нотўғри сақлаш ва фойдаланиш, сунъий қочиришни эътиборсиз ташкил қилиш ёки бу жараёнда йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқади. Шунингдек, жинсий аъзоларнинг туғруқ ва туғишдан кейинги даврда пайдо бўладиган турли касалликлар оқибатида ҳам пуштсизлик кузатилади.

Сигирлар қисир қолишига қарши курашишда юқори натижага эришиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бунда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: ҳайвонларга мустаҳкам, юқори сифатли озуқа базасини яратиш ва тўйимли озиқлантириш, жинсий аъзоларда учрайдиган инфекцияларни йўқотиш, сигир ва таналарнинг гинекологик касалликларини янги доридармонлар ва усуллар ёрдамида ўз вақтида даволаш, сунъий қочириш пунктларини замонавий жиҳозлаш, сигирлар ҳолатини мунтазам ветеринария кузатуvidан ўтказиш.

Сигирларни қисир қолишига олиб келадиган сабабларни олдини олишда қуйидаги чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариб бориш зарур:

– сигирларни туғишга икки ой қолганида тўйимли озуқалар билан боқиш жуда муҳим, чунки бу даврда сигир организмда оксил, канд, кальций, углеводлар, минерал тузлар алмашилиши ўзгаради. Сигирлар туққандан кейинги дастлабки даврда шу моддалар миқдори камаяди. Айниқса, қиш ва эрта баҳорда озуқа раццион молнинг ҳаёти учун зарур бўлган витаминларга, макро-микроэлементларга бой бўлмоғи лозим, чунки улар жинсий аъзолар фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади;

– ҳар бир ферма ветеринария-санитария талаблари асосида қурилган бўлиши, алоҳида туғруқхона, қочириш пунктига эга бўлиши лозим. Унда манеж, лаборатория ва асбоб-ускуналарни ювиб тозалайдиган хоналар бўлиши керак;

– янги туғилган бузоқлар 2-3 кун давомида онаси билан бирга сақланиши ва огиз сутига тўйдирилиши керак. Шундай қилинганда бузоқлар соғлом бўлиб, касалланмайди.

– сигирлар туғруқхонада илк бор гинекологик текширишдан ўтказилиши лозим ва туғишдан 3-5 кун ўтиши билан кунга 3-5 км юришга (мацион) мажбур қилиниши керак. Бу ишларни кўнгилдагидек ташкил қилиш сигирлар соғлиғига ва уларни туққандан кейин бачадонини ўз холига қайтишига ҳамда тез қуйга келишига ижобий таъсир қилади;

– қочирилган сигирлар бир ой давомида қайта қуйга келмаса, бўғоз бўлган деб ҳисобланиб, навбатдаги сут ишлаб чиқариш гуруҳига ўтказилиши лозим;

– туғишдан кейин 60 кун давомида қуйга келмаган сигирлар ажратилиб, ветеринар ва сунъий қочирувчи мутахассис томонидан биргаликда бунинг сабаби аниқланади, даволаш тадбирлари ўтказилади;

– микроклим мўътадил бўлмаса, бинода ёруғлик, ҳарорат, намлик етарли бўлмаса ва аммиак, сингари захарли газлар меъёридан ортиқ бўлса, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ошса ва бошқа сабаблар туфай-

ли сигирларнинг куйга келиши ва оталаниши кескин камаяди.

Қорамолларни қисир қолишини олдини олиш тадбирларини муваффақиятли ўтказиш учун, аввало қисир қолишнинг сабабларини аниқлаш керак ҳамда гинекологик касалликларни даволашда замонавий усуллардан фойдаланиш лозим.

Фермаларда сигирларни урчитиш ва улар зотини яхшилашга жиддий тўсиқ бўладиган омиллардан бири чорвачилик фермер хўжаликларида қорамоллар орасида трихомонози, вибриози, кампилобактериози ва бошқа сурункали касалликларнинг мавжудлигидир. Бу касалликлар хўжаликларда бартараф этилмаса, хайвонларда наслчилик ишларини яхшилаб бўлмайди. Шунингдек, молларни урчитиш ва соғлом насл олишда чорвачилик фермер хўжаликларида режали равишда гинекологик касалликлар бор-йўқлигига текширишлар асосида зарур чора-тадбирлар белгиланган муҳим. Илмий ва амалий тажрибалар натижаларига кўра, сигирлар тукқандан кейин бир ой вақт ўтгач қочирилса, ҳар 100 бош сигирдан 110 бошгача, икки ойлик вақтида қочирилса – 103 тагача, 80 кунда 97 бош, 100 кунгача қочирилганда – 91 та, 120 кунда қочирилганда – 85 та соғлом бузоқ олиш мумкин.

Сигирларни 30 фоизгача куйга келиш муддати 6 соатга тўғри келади, 22 фоиз сигирларни куйга келиш даври кечки пайтда, яъни соат 18 дан эрталаб соат 6 гача тўғри келади. Бузоқ олишни кўпайтириш учун мутахассис сигирларни куйга келишини кунда 2-3 маротаба кўздан кечириши мақсадга мувофиқдир. Агар сигирларнинг куйга келиш ҳолати кунда 1 марта кузатилса унда 40 %гача сигирларни куйга келиш ҳолати йўқ бўлади, демак йил якунида ҳар 100 бош сигирдан 8-10 бош бузоқ олинмаслиги қайд қилинади.

Ҳар 100 бош сигирдан 90-95 тадан бузоқ олиш мумкинлиги тажрибаларда аниқланган, агар 1 йилда сигирларнинг 15-20 %и 2 марта тукқанда. Бунинг учун январь-февраль ойларида тукқан сигирлар март ойининг 15-20 саналарида уруғлантирилиши керак бўлади.

Фан ва илғор фермерларнинг иш тажрибалари шунини кўрсатмоқдаки, юқори меҳнат унумдорлигига ишлаб чиқаришдан оқилона ва унумли фойдаланиш, шу соҳа мутахассисларининг пухта ҳаётий тажрибаларига ҳамда фан ютуқларига амал қилгандагина эришиш мумкин.

Республикамизнинг бир қатор чорвачилик фермер хўжаликларида қорамоллар ўртасида насл олишнинг талабга жавоб бермаслиги анча хавф туғдирмоқда. Кўпгина чорвачилик фермер хўжаликларида ҳар йили 25-40 % сигирлардан ва 35-45 % қочириш ёшидаги таналардан бузоқ олинмапти. Шу билан бир қаторда вилоятлар миқёсида подани қайта тўлдириш бўйича олинган маълумотларга қараганда йиллар давомида

ҳар 100 бош она хайвондан бузоқ олиш сони ошмаган аксинча камайган. Бу эса хўжаликлар ва туманларда бузоқ олиш самарадорлиги паст даражада эканлигидан далолат беради. Аммо зооветеринария хизмати тўғри йўлга қўйилган хўжаликларда бола олиш ошганлиги маълум бўлди.

Моллар махсулдорлигини ошириш чорвадорлардан чорва фермаларидаги ишларни тўғри ташкил этиш, шунингдек, ғунажинларни парваришlash ва асраш усуллари, сигирларни туғишга тайёрлаш ва бузоқларни ўстиришни тўғри йўлга қўйишни талаб этади. Ёш бузоқларни боқиш ва ўстиришни, сигирлардан кўп сут соғиб олишни, озиклантириш технологиясини, қочириш ва кўпайтиришни, уларни куйиқиши, бўғозлик даври, қисир қолиш сабабларини пухта билмай туриб унумдорликка эришиб бўлмайди. Ана шу умумий жараёнлар тўла-тўқис бажарилса, сигирлар тукқандан сўнг уларнинг қайта куйга келиш муддати қисқаради. Бу чорвачилик махсулотлари мўл-кўллигининг асоси бўлган бузоқ олишни кўпайишига олиб келади.

Хулоса қилиб шунини айтишимизки, хайвонларни қочиришга тайёргарликни бўғозлик даврида ҳамда сутдан чиққан вақтидан бошлашни тавсия этамиз. Юқорида келтирилган тавсиялар натижасида сигирлар тукқандан сўнг тезда куйга келиб оталаниши, сунъий омиллар натижасида эмас балки табиий омиллар: яъни қуёшда сайр қилдириш, озуқа рацониони бука билан саклаш натижасида эришиш мумкин. Сигирлар организмда кечадиган ҳар қандай жараён жинсий органларига таъсир кўрсатади, булар умумий модда алмашинуви, яйратиш даврининг қанчалиги, молхонадаги микроклим қай даражадалиги, сигирларни бўғозлиги, туғиш ва туғишдан кейинги давлари меъёрга ўтишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балашов Н.Г. Ветеринарный контроль при искусственном осеменении животных – М: Колос, 1980. – С. 272.
2. Муртазин Б.Ф. Қўлдошев О.У. Симптоматик пуштеизлик. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» – Тошкент, 2007.
3. Муртазин Б.Ф. Пулатов Г.С. Қўлдошев О.У. Эмбрион ўлим// Ветеринария – Тошкент, 1996. №3 с 16.
4. Студенцов А.П. и др. Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. – М.: «Колос». 2005.
5. Муртазин Б.Ф. Бактериальное аспекты Акушерско-гинекологического паталогии коров Афтореферат дотор наук. – Самарқанд, 2009.
6. Носиров У. Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари // «Зооветеринария», 2009. № 10. – Б. 10-19.